



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 1 ноябрь, № 215 (6650)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 29 октябрь кuni АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннонни қабул қилди.

Шавкат Мирзиёев меҳмонни юртимизга ташрифи билан самимий қутлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардик изҳор этгани ва қўллаб-қувватлагани учун АҚШ Президенти Барак Обама ва Давлат котиби Жон Керрига самимий миннатдорлик билдирди. АҚШ делегацияси 28 октябрь кuni Самарқандда бўлиб, Ислон Каримов хотирасига хурмат бажо келтиргани Биринчи Президентимиз хотирасига ва халқимизга юксак хурмат-эҳтиром ифодасидир.

Суҳбат давомида томонлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ўзаро хурмат ва ишонч, бир-бирининг манфаатларини инобатга олиш тамойиллари асосида изчил, муваффақиятли ривожланиётгани ва мустақкам-

ланиб бораётганини таъкидладилар. Турли даражадаги мунтазам мулоқотлар кўп қиррали ҳамкорликни самарали ривожлантириш ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли натижаларни қўлга кириштириш имконини бермоқда.

Анъана тусини олган сиёсий маслаҳатлашувлар доирасида томонлар ўзаро муносабатларга доир кенг қўламли масалалар, минтакавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар, жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлаш юзасидан фикр алмашиб келмоқда. Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан барқарорлаштириш жараёни ва ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўмаклашиш масалаларига

алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Томонлар савдо, сармоя ва юқори технологиялар соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка юксак баҳо бердилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШнинг «General Motors», «Boeing», «General Electric», «Honeywell», «Hyatt», «Hilton» каби кўплаб етакчи компаниялари самарали фаолият юритмоқда. Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг аниқ мақсадли фаолияти кенг миқёсдаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари мамлакатларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган барча истикболли йўна-лишларда шериклик ва ҳамкорликни изчил мустақкамлаб, кенгайтириб бориш учун зарур

имконият ва салоҳиятга эга экани қайд этилди.

АҚШ делегацияси раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг, фуқаролик жамияти асосларини ва демократик кадриятларни мустақкамлашга қаратилган улкан ўзгаришларнинг ёрқин натижаларини юксак баҳолади.

Томас Шэннон юртимизга ташрифи асносида ўзбек халқи бой тарихий-маданий ва маънавий меросга эга эканига яна бир бор амин бўлганини алоҳида қайд этди.

Ёшлар, турли диний конфессиялар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан очик ва самимий суҳбатлар, уларнинг эртанги кун-лишларда шериклик ва ҳамкорликни изчил мустақкамлаб, катта таассурот қолдирди.

Ў.А.

## САМАРҚАНДГА ТАШРИФ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Мобашар Жавад Акбар жорий йил 31 октябрь кuni Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмон дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов қабрини зиёрат қилди. Буюк Йўлбошчимиз қабрига гул қўйилиб, унинг хотирасига хурмат бажо келтирилди. Ислон Каримов руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди. Ислон Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси ва унинг тараққиёти йўлида мисли қўрилмаган ишларни амалга оширган буюк давлат арбоби, халқаро майдонда мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси манфаатларини муносиб ҳимоя қилган улугъ сиёсатчи бўлгани таъкидланди.

— Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов вафоти Ҳиндистон ҳукумати ва халқини ҳам чуқур қайғуга солди, — дейди Мобашар Жавад Акбар. — Чунки Ислон Каримов нафақат Ўзбекистон раҳбари, балки халқаро майдонда юксак нуфузга эга, тинчликпарвар, доно сиёсатчи эди. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларининг мустақкамлашишида Ислон Каримовнинг хизматлари жуда катта бўлди. Биз бу алоқалар-

ни изчил давом эттиришга тайёриймиз. Ҳиндистонлик меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг қарийб уч минг йиллик тарихидан сўзловчи “Афросиёб” музейидаги ноёб экспонат ва ашёлар, дунёга машҳур деворий суратларни қизиқиш билан томоша қилди. Шаҳар ўтмиши акс эттирилган ҳужжатли фильм уларда катта таассурот қолдирди.

Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш чоғида мазкур ёдгорлиқнинг яратилиш тарихи, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

Мирзо Улуғбек ёдгорлик мажмуи ва шаҳардаги бошқа тарихий обидалар, миллий хунарамандлик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам Ҳиндистонлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Меҳмонлар бундай ноёб меъморий обидаларни бунёд этган буюк аждодларимиз ақлу заковатига, уларни беэвол асраб келаётган бугунги авлоднинг тарихимизга муносабатига юксак баҳо берди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**  
**Ў.А. мухбири.**

## ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликнинг бош омилдир

Қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда тadbиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ишбилармонларга қўшим-

ча имтиёзлар берилаяпти. Бу эса соҳанингда жadal сурьатларда ривожланишида кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Бинобарин, қўлга киритилаётган бундай муваффақиятлар халқаро доирада ҳам муносиб эътироф этилаётир.

### ИСЛОҲОТ



Хусусан, Жаҳон банкининг яқинда эълон қилинган “Бизнесни юритиш — 2017: бошқарув сифатини ва самарадорлигини баҳолаш” ҳисоботига кўра, Ўзбекистон дунёнинг 190 давлати ичида 87-ўринни эгаллаб, ўтган йилдаги мавқеини сақлаб қолди.

Экспертларнинг ҳулосасида келтирилишича, Ўзбекистон ҳисоботнинг 10 индикаторидан 5 тасида позициясини яхшилашга эришган. Айниқса, корхонани рўйхатдан ўтказиш бўйича сезиларли ўсиш кузатилди. Ушбу йўна-

лишда 17 поғона кўтарилиб, 25-ўринга чиқиб олинган диққатга сазовордир. Бунда тadbиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган тартибини амалиётга жорий қилиш ҳамда “Ягона дарча” тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўрилаётган тизимли чора-тadbирлар муҳим аҳамият касб этди, десак, хато бўлмайди.

Чиндан ҳам, юртимизда бизнесни юритиш тартиб-таомиллари йил сайин

соддалаштирилмоқда. Бугунги кунда аҳоли тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бунинг учун Швейцариядагидан 1,8 марта, Германиядагидан 1,9, Япония ва Россиядагидан 2, Исроилдагидан 2,2, Греция ва Испаниядагидан 2,3, Ҳиндистондагидан 4,7, Ҳитойдагидан 5,5 ва Бразилиядагидан 14,5 маротаба кам вақт сарфлаши кўп нарсани аниқлади.

(Давоми 4-бетда).



## Қонун лойиҳаси — жамоатчилик муҳокамасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда тadbир ўтказилди.

### ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Иккинчи ўқишга тайёрланаётган Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасининг мазмун-моҳияти муҳокамасига бағишланган тadbирда депутатлар, Олий суд, Бош прокуратура ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Йигилишда кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик

давлат куришда коррупцияга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги, бунга фақат қонун устуворлиги, фуқаролар, ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг қонун олдида тенглигини таъминлаш орқали эришилиши таъкидланди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизда қонуний-лик ва ҳуқуқ-тартиботнинг инсти-

туционал ҳамда ҳуқуқий асосларни шакллантирилгани, миллий қонунчиликка халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари сингдирилгани алоҳида айтиб ўтилди. Жумладан, Ўзбекистон 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига, 2010 йилда эса Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига қўшилган.

Иштирокчилар Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида “коррупция”, “коррупцияга оид ҳуқуқбу-

зарлик”, “коррупцияга қарши курашиш” каби тушунчаларнинг аниқ баён этилгани, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатлари алоҳида нормалар сифатида белгилангани ҳамда уларнинг бу соҳадаги фаолиятлари мувофиқлаштирилишини қайд этишди.

Шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тadbирларни амалга ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали коррупциянинг турли кўринишларига нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликларни

ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш каби масалалар қонун лойиҳасининг долзарб жиҳати эканлигига ургү берилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти шакллари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тadbирда мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

**Зиёда АШУРОВА,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми 4-бетда).



### 4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Садуллаевич Отамуратовнинг Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси V съездидаги маърузаси чоп этилмоқда. Мазкур маъруза Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-3-саҳифаларга қаранг. >>>

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## ДЕПУТАТЛАР 2017 ЙИЛГА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Мазкур ҳужжат демография омили ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўзаро боғланган ва комплекс чора-тadbирларни кўзда тутди.

Дастурда 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, хунарамандчилик ва оилавий тadbиркорлик орқали иш билан таъминлаш назарда тутилган.

Депутатлар томонидан ўтган йиллардан фарқли равишда келгуси йил дастурининг параметрлари янада оптималлаштирилиб, ҳудудлар ва корхоналарнинг реал имкониятлари ҳисобга олинган алоҳида таъкидланди. Жумладан, қурилиш ва инфратузилмаларни ривожлантириш, туман ва шаҳарларда кичик

саноат зоналари ташкил этиш ҳисобига иш ўринлари яратишнинг йўналишлари кенгайтирилган. Шунингдек, ушбу дастур лойиҳасини тайёрлашда 2016 йил давомида аҳоли бандлигини таъминлаш параметрларининг ижроси юзасидан депутатлар томонидан амалга оширилган парламент назорати якунари натижасида ишлаб чиқилган таклифлар эътиборга олинган.

Ушбу дастур лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича парламент назоратини янада кучайтириш, ҳар бир депутатнинг ушбу масалага масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Мазкур таклифлар инобатга олинган ҳолда, 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Ж. НОСИРОВ, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Таъкидлаш жоиз, 2017 йилги дастурга қўллаб янгилар киритилган. Жумладан, фракциямиз ҳудудлардаги мавзуд ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиш орқали иш ўринларига талаб юқори бўлган 34 та туманда аҳоли бандлигини таъминлашга доир махсус чора-тadbирлар дастури ишлаб чиқилаётганига эътибор қаратди. Бу нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради, балки ушбу ҳудудларда бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутётган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини юксалтириш ҳамда замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш имкониятини яратди.

### И. ХАЖИЕВ,

### Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошидаги махсус ишчи комиссиялар фаолияти самарадорлигини ошириш асосида аҳоли бандлиги дастури ижроси мониторингини изчил ташкил қилиш энг муҳим вазифалардан биридир. Бундай ёндашув иш жойлари қисқаришининг олдини олиш, ишсиз аҳолини касбга қайта ўқитиш ҳажмларини кенгайтириш ва шу орқали қафолатланган иш билан таъминлаш имкониятини беради. Шунингдек, фракциямиз таълим муассасалари битирувчилари ишга жойлашганлигининг ҳаққонийлигини тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида электрон ахборот алмашинуви тизими асосида мониторинг қилиб бориш тажрибасини амалда кенг қўллашни таклиф этди.

(Давоми 4-бетда).





# МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ ВА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ — БОШ ВАЗИФАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Садуллаевич Отамуратовнинг Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси V съездидаги маърузаси



## Ассалому алайкум, ҳурматли делегатлар!

Партиямизнинг бугунги съезди мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Президент сайлови кампанияси қизгин босқичга кирган бир пайтда ўтмоқда. Ушбу сайлов Ватанимиз мустақам ва барқарор сиёсий тизимга, жаҳон андозаларига жавоб берадиган демократик сайлов қонунчилигига эга эканлигини яна бир бор намоёиш этиши шак-шубҳасиздир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг миқёсли ислохотлар амалга оширилди. Халқимиз қалби, онг-тафаккурида фуқаролик ҳисси ва масъулияти ҳамда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари таъсири ошиб, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар яратилди.

Халқро миқёсда эътироф этилиб, бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида ислохотлар бардавомлигини таъминлаш, бошланган улғувор ишларга жўшқин суръат бахш этиш учун мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга эришишда тўпланган тажрибалар, ушун тараққиётимиз, маданий, бой маънавий-ахлоқий кадриятлар ва аъёнлар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустақамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш зарурлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Барчамизга маълумки, партиямизнинг мақсади — миллий тикланишдан миллий юксалишга эришиш ғоясини амалга ошириш, ички сиёсатда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги ошиши, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустақамлаш, ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий кадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдан иборат.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш учун куйидаги вазифаларни ҳал этишни Сайловолди дастурига киритмоқдамиз.

Жамоатчилик ва партиямиз электоратига яхши маълумки, партиямиз **маънавий-маърифий соҳани** ўзининг дастурий мақсад-вазифалари ичида етакчи ўринга қўйган. Чунки ўзлигини англаган, кадрият ва аъёнларини эъозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутлади.

Мамлакатимизда бу соҳада эришилган ютуқларни мустақамлаш ва бу борада амалга оширилайётган ислохотларни янада чуқур-

лаштиришни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз доимо миллий ўзлиқни англаш, миллий гуруҳ ва кадр-қиммат туйғусини мустақамлаш масалаларига устувор аҳамият берганмиз ва бундан буён ҳам ушбу ҳаётий масалалар диққат-марказимизда бўлади. **Миллий тикланиш — авваламбор, миллий ўзлиқни англаш демакдир.** Ушбу ғоядан келиб чиқиб, биз куйидагиларни қўллаб-қувватлаймиз.

Халқимизнинг бетакрор ва улғувор тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва аъёнларини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш тарафдоримиз. **Миллий манфаатлар ва миллий кадриятларимиз ҳимояси бизнинг бош вазифамиздир.**

**“Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”** тамойили асосида халқимиз тарихини ҳолис ва тизимли ўрганиш, бу борада ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашувларга, ноҳолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихининг бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашамиз.

Ўзбекистонда умумжаҳон аҳамиятга молик бўлган жуда кўплаб тарихий-маданий ва архитектура ёдгорликлари мавжуд. Музейлар, архивлар ва кутубхоналарда жуда қимматли қўлёзмалар, экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатлари сақланмоқда. Бундай улғувор тарихий меросни асраб-авайлаш ва ҳисобга олиш бўйича муйайн ишлар қилинган бўлса-да, ўрганишлар шуни кўрсатдики, ҳали бир қатор маданий мерос объектларимиз ҳисобга олинмаган, экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатлари тўлиқ тоифалаштирилмаган.

Ана шулардан келиб чиқиб, маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, ҳисобга олиш ишларини таъминлаштириш талаб этилади, музейлар, архивлар, кутубхоналарда ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларини тўлиқ тоифалаштириш, бу борадаги қонуниликни янада такомиллаштириш зарур.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси ва маданий ёдгорликлари умумжаҳон аҳамиятига молик эканлигини эътироф этиб ҳамда шаҳарларимизнинг миллий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, қайта таъмирлашга қўмаклашиш ва бугунги кунгача ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатида кирмаганларини унга киритиш учун фаоллик кўрсатиш асосий вазифамиздир.

Бу ва соҳадаги бошқа масалалар-



ни ҳал этиш учун Моддий маданият меросини қайта тиклаш ва капитал таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, асрлар давомида буюк алломаларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий дурдоналар тарих тақозоси билан чет мамлакатларда қолиб кетган ёки олиб чиқиб кетилган. Биз мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган ўзбек алломалари, мутафаккирлари ва ёзувчи-шоирлари томонидан яратилган илмий ва бадиий асарлар ҳамда халқимиз тарихига оид моддий бойликларни Ўзбекистонга қайтаришда фаоллик кўрсатамиз.

Юртимизда азалдан хунармандчиликнинг барча турлари ривож топган. “Устоз — шогирд” анъанаси асосида давом этиб келаётган ва ўзбек халқининг юксак маданияти ва истеъдодини намоёиш этадиган ҳамда эстетик қимматга эга бўлган миллий хунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг аъёнларини сақлаб қолишни рағбатлантириш доимий диққат-марказимизда бўлади.

**“Баркамол авлод — миллат таянчи”** тамойили остида биз ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан муҳофиза қилиш мақсадида уларнинг қалби ва онига миллий тикланиш ғоясини сингдириш, миллий маънавият ва кадриятлар руҳида тарбиялашни янада кучайтиришимиз лозим. Бунда кино, театр ва эстрада санъатида халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи, маданияти, аъёнлари ва илғор урф-одатларини таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этадиган асарларнинг дунёга келишига қўмаклашиш ҳамда уларни тарғиб қилиш асосий вазифамиздир.

Тил миллатнинг энг олий қадриятидир. Шундан келиб чиқиб, қадимий ва бой тарихга эга бўлган, мустақиллик туғилиши қадриятини тикланган, ҳозирда кечаётган глобаллашув даврида замонавий тараққиётнинг барча соҳалари талабларига жавоб берадиган даражада имкониятга эга бўлган тарихий ривожини янги босқичга кўтариш учун давлат тилини бойитиш, янада такомиллаштиришга, давлат тили сифатидаги мақомини мустақамлаш ва унинг тўла амал қилинишига эришиш, тил маданий-маънавий ҳимоясини таъминлашга қўмаклашиш ва бугунги кунгача ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатида кирмаганларини унга киритиш учун фаоллик кўрсатиш асосий вазифамиздир.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни ўринли деб биламан. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда, яъни 1993 йилда “Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республи-

каси Қонуни қабул қилинган эди. Орадан 23 йил ўтган бўлса-да, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси ҳаётимизда узил-кесил ўз ўрнини топгани йўқ. Ушбу масалада саволлар низоҳатда кўп. Биз фарзандларимизни лотин алифбоси асосида ўқитдик ва ўқитиб келаямиз. Лекин ўсиб келаётган ёш авлоднинг маърифий ва маънавий эҳтиёжларини зарур даражада қондириш учун фаннинг барча соҳалари, таълим, адабиёт ва матбуотда лотин ёзувида асосланган ўзбек кўпчилиги ва ёзувчи-шоирлари томонидан яратилган илмий ва бадиий асарлар ҳамда халқимиз тарихига оид моддий бойликларни Ўзбекистонга қайтаришда фаоллик кўрсатамиз.

Ижтимоий ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида давлат тилининг қўлланилиши ва унинг қоидаларига риоя этилишида муаммолар бор. Хусусан, оммавий муомалада, кўчаларда жойлаштирилган ташқи ёзувларда, реклама ва эълонларда, оммавий ахборот воситаларида ҳали-ҳамон ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари кўпол бузилмоқда. Ушбу муаммо газета ва журналларда, халқ депутатлари Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда муҳофиза қилинган бўлса-да, лекин сезиларли ўзгаришлар бўлгани йўқ.

Фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий лугатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб вазифа, деб ҳисоблаймиз.

### Ҳурматли делегатлар!

Шу ўринда яна бир муаммога сизларнинг эътиборларингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон заминиде яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндлари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган миллий кино асарлари деярли мавжуд эмас.

Одамлар таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этилган ва ўзбек халқининг ҳаққоний тарихи акс этган кино асарларини интиқлик билан қутишмоқда. Ваҳолонки, Ўзбекистон телевидениесида намоёиш этилаётган бадиий ва видеофильмларнинг аксарияти хорижий давлатлар тарихи, ҳарбий ва сиёсий арбоблари ҳамда олимлари ҳақидадир.

Бугунги кунда кўшни хорижий давлатлар ўзларининг миллат ҳақрамонлари ҳақида, улар жаҳон миқёсида буюк бўлмаса-да, чет элнинг етук киностудиялари билан ҳамкорликда киноасарлар тайёрлаб, уларни дунё оммасига таништирамоқдалар. Бундай тажриба миллий гуруҳ ва ифтихорни ошириб, миллатни бирлаштирадиган кучли тарғибот усули ҳисобланади.

Биз Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, ҳозирги Ўзбекистон заминиде яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндлари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган киноасарларнинг яратилишида ташаббус кўрсатишимиз керак. Бу ишларни молиялаштириш, шу жумладан, хорижий киностудиялар билан ҳамкорликда ва таниқли режиссёр ва актёрлар иштирокида, уни бутун дунё жамоатчилигига етказишни муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Эътиборингизни жуда муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Тарихда хорижий мамлакатларда яшаб ижод этган ҳамда юртимизда туғилиб тақдир тақозоси билан чет элларда вафот этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг қабрларини аниқлаш, уларнинг мангу қўним топган масканларини ободонлаштириш ишларини давлат миқёсида амалга ошириш вақти келди.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг мамлакатимиз тараққиёти ва ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантиришдаги ўта муҳим имкониятларидан фойдаланиб, уларни ватанпарварлик, миллатпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялаш ҳамда миллий манфаатларимизга зид бўлган ғоя ва мафкураларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, бу йўналишда тайёрланадиган фундаментал асарларни босмадан чиқаришни ва уларнинг оммавийлашувини қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгилеймиз.

Жамият, оила ва таълим тизимида ёш авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар берилишига эришмоғимиз лозим.

Театр инсоннинг маънавий камолоти, шахсининг диди ва тафаккурини тарбиялашда ҳамма муҳим ўрин тутган. XX аср бошида ўзбек зиёлилари халқни миллий ўйотишни айнан театрлар ташкил этишдан бошлаганликлари ҳам бежиз эмас. Ўша даврда “Театр — ибратхона-

дир” деган чуқур маъноли ҳикмат орқали саҳна санъати миллатимизнинг аслида киму амалда қай аҳволдалигини кўрсатиб берган.

Бугунги кунда глобаллашув шароитида халқнинг ўзига хос қиёфаси, миллий кадрият ва аъёнларини асраб қолиш, одамларда юксак маънавий онг ва дидни тарбиялашда театрнинг ўрни яна беқиёс аҳамият касб этмоқда. Бироқ театр санъатига қизиқиш ҳавас қиларли даражада эмас. Театр заллари кўпинча томошабинлар билан ярим тўлган аҳволда бўлади.

Биз маънавий-маърифий ҳаётимизни янада ривожлантириш тарафдори эканмиз, театрга одамларни қайтариш учун, энг аввало, замондошларимизни ўйлантираётган ва тўқилантираётган мавзуларда бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан саҳналаштирилган спектаклларни кўпайтириш, одамларда, айниқса, ёшларда театр томошаси маданиятини ўстириш ва энг муҳими, мамлакатимизнинг барча театрларида “Очик эшиклар кунини” ташкил этилишига эришишимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Маълумки, давлат ва жамият ҳаётида **сиёсий ва суд-ҳуқуқ** масалалари муҳим ўрин тутди. Шу боис биз бу борада мавжуд давлат ва сиёсий тизимни янада мустақамлаш, миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини таъминлашни асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгиланмоқдамиз. **Бизнинг бош мақсадимиз — замонавий ривожланган демократик давлат қуришдир.**

Жамиятда ҳукм сурётган ва халқимизга ҳос бағрикенглик, миллати, дини, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқи, барча фуқароларнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлигини мустақамлашни истиқлол йилларида вужудга келган кадриятларимиздан бири сифатида эътироф этамиз ва уни янада барқарор ривожлантирамиз.

Шу билан бирга, асрлар давомида ўзбек халқининг эзгу ва илғор аъёнлари асосида тарихан қарор топган маҳаллани миллий демократик институт сифатида янада такомиллаштириш керак. Унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустақамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда ҳамда миллий ва маънавий кадриятлар, маҳаллий урф-одатлар ва аъёнларни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда ролини кучайтиришни давом эттирамиз.

Барчамизки маълумки, истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш соҳасидаги устувор вазифалар куйидагилардан иборат:

— жамиятда мустақам барқарорлик ва қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция, инсон ҳуқуқлари ва демократия асосларини узлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш;

— миллий кадрият ва халқимизга хос фазилат ҳамда аъёнлардан келиб чиқиб оила, мерос, уй-жой давроси ва маиший турмуш манбаида туғилган низоларни судга ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва мурося йўлини излаш фуқароларимиз манфаатларига жавоб беради. Шунингдек, юқоридаги масалаларда ва фуқароларнинг серташвиш суд мажлисларига ҳоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, вазийлик ва ҳоҳийлик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.



# МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ — БОШ ВАЗИФАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Садуллаевич Отамуратовнинг Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси V съездидаги маърузаси



◀ (Давоми. Бошланиши 2-бетда).

**Хурматли делегатлар!**

Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги ошишида иқтисодиёт ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши тушунамиз. **Иқтисодиёт соҳасида** партиямиз — **“Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши — иқтисодий ислохотларнинг негизидир”**, деган шioriни илгари сурмоқда. Ушбу соҳада эса қуйидаги вазифаларни амалга оширамиз.

Иқтисодиётга XXI аср талаблари ва тафаккури асосида ёндашувни амалга ошириб, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатимизнинг турли минтақаларида фаолият юритиб, истикболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловларда имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий sanoat самарадорлигини янада оширишнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштиришга эришишни мақсад қилдик.

Дунё бозорида рақобатдош ҳамда миллий иқтисодиётимиз тисмолига айланадиган трансмиллий компанияларни шакллантириш, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш ва хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилишига эришишимиз керак.

Бу ерда яна битта муҳим масалага тўхталмоқчиман. Кўпчилик яхши биладики, Ўзбекистон нафақат тўғридан-тўғри дунё денгизлари ҳамда тўғридан-тўғри денгизга чиқадиган давлат билан ҳам чегарадош эмас. Дунёда ана шундай мураккаб географик ўринда жойлашган икки мамлакатдан бири Ўзбекистондир. Яна бир нарсани яхши биламизки, дунёда энг арзон йўл, бу — денгиз йўлидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда транспорт хизматларининг нархи юқори. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда 20 тонна маҳсулотни 500 км. масофага автомобилда ташиш таннархи Ўзбекистонда 1 км. учун 1,75 доллардан ташкил этмоқда. Таққослаш учун кўшни давлатларда бу кўрсаткич 0,7 доллардан 1,3 долларгача миқдорни ташкил этади.

Юқорида айтиб ўтилган масалалар билан бир қаторда, логистика инфратузилмасининг суст ривожлангани, миллий маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқишда талаб этиладиган ҳужжатларнинг кўплиги, уларни қўриб чиқиш муддатларининг узоклиги ва қимматлиги муаммоси ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда ва ташқи бозорда маҳсулотларимизнинг таннархи сунъий ошишига олиб келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, биз транспорт-экспедиторлик фаолияти билан шуғулланувчи компанияларга имтиёзлар бериш, йирик юк ташувчи автомобилларни лизингга бериш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, божхона хизматлари нархини камайтириш ва чегарадан ўтиш тартибини соддалаштириш юзасидан иш олиб борамиз.

Миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан муҳофаза этиш, қулай ва жозибador сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришни долзарб вазифамиз, деб биламиз.

Биз халқимизнинг ва айниқса, ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий ва сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, энгил ва ихчам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш, уларга маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаймиз.

Давлат компаниялари ва давлат улуши устунлик қиладиган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти шаффофлигини таъминлаш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, ички хусусий инвестицияларни миллий иқтисодиётга йўналтиришни янада кенгайтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Соҳадаги яна бир муҳим масала — миллий иқтисодиёт ривож этук мутахассис-кадрларга боғлиқ эканлигини англаган ҳолда, замонавий билим ва малакага эга инженер-техник, молия-иқтисод, корпоратив бошқарув менежментлари, ахборот технологиялари соҳасида дастурчиларни тайёрлашни тубдан кучайтириш ва мазкур соҳаларда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ниҳоятда зарур.

Маълумки, Ўзбекистон кўп асрлик тарихга ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига

айлантириш имконини беради.

Туризм иқтисодиётнинг янада ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади, кўшимча иш ўринлари яратилишига, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини оширишга, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига туртки бўлиб, янада оммавийлашади. Туризм айни пайтда маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда кучли восита бўлиб хизмат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб оладиган Комплекс чора-тадбирлар режасини амалга оширишни таклиф этамиз. Энг аввало, сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланиши, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштириш ва сайёҳлик индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш асосий вазифага айланмоғи лозим.

Хорижий меҳмонлар ва мамлакатимиз аҳолиси учун юртимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бундан ташқари, алоҳида қўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб қўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга барча имкониятларни сафарбар этамиз.

Бугун бутун дунёда одамларни ўйлантираётган ва қизиқтираётган масалалар ичида ижтимоий масалалар алоҳида ўринда турибди. Шу боис биз аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини оширишни **ижтимоий соҳадаги** стратегик мақсадимиз сифатида белгиладик. Шундан келиб чиқиб, асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Ҳаммамиз яхши биламизки, бугун жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бир-

га, аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш энг асосий вазифаларимиз сирасига қиради.

Миллат генофондини асраш ва соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида ўсмирларга соғлиқ учун зарарли бўлган қувват берувчи ичимликларни сотишни тақиқлаш ва бу борада маърифий-тушунтириш ишларини тизимли йўлга қўйиш лозим. “Халқи соғлом ва баркамол бўлган мамлакат кучлидир!” тамойилининг амал қилишини изчиллик билан ривожлантириш зарур.

Шу ўринда ҳаётимизда мавжуд яна бир муаммога эътибор қаратишни истайман. У ҳам бўлса, айрим ҳолларда бўлса-да, вояга етмаганлар ўртасида турмуш қириш ҳолатлари ҳали-ҳамон учраб турганлигидир. Эрта турмуш ва эрта туғуруқларнинг олдини олиш борасида аниқ ва таъсирчан чоралар қўриш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари, жамoатчилик назоратини кучайтириш, аҳолида эрта никоҳга нисбатан муросасизлик туйғусини шакллантиришимиз лозим.

Оила ва оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг қўламли ишларни изчил давом эттириш мақсадида қонунчилигимизни янада такомиллаштиришимиз. Зеро, **буюк аждодларга баркамол авлод муносиб!**

Қурилиш ва безак ишларида миллий меъморлик анъаналарини ва илғор хорижий тажрибани қўллаш, тарихий шаҳарлар ва очик осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган сиёсатнинг изчил давом этишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Эътиборларингизни ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган ва барчамизга яхши таниш бўлган бир муаммога қаратмоқчиман, янада очикроқ айтганда, бу масала кўпроқ шаҳар аҳолиси турмушига дахлдор. Кўп қаватли уйларда, уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш норма ва қоидалари бузилиш ҳолатлари одатий тус олмоқда. Одамлар моддий фаровонлиги ошгани сайин уй-жойини замонавий андозалар асосида таъмирлаш, кенгайтиришга берилиб кетади. Хавфсизлик масаласига эса эътибор бермайди. Уйни ушлаб турган устунларни бузиб бўлса-да, хонадонини кенгайтирмоқчи бўлади. Бу кўп қаватли уйда мендан бошқа ҳам одамлар бор, бу уй менин хусусий мулким эмас, деган нарсалар ҳаёлига ҳам келмайди.

Бундай муаммонинг келиб чиқишига уй-жой соҳасидаги қонунчилиikka рива этилиши устидан назорат қилиш тартиби ва конкрет механизмизми бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги сабабдир.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун республикаимизнинг барча бурчақларида, айниқса, кўп қаватли уйларда, уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш норма ва қоидалари бузилишининг олдини олиш, шаҳарларимизнинг архитектура қиёфасини янада яхшилаш мақсадида уй-жой соҳасидаги қонунчиликнинг бажарилиши устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Маҳалланинг фуқаролар, ўғил-қизлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш зарур.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратиб, шуни айтиш лозимки, болалар, аёллар, шунингдек, оғир касалликлар, шу жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклар (ОИВ/ОИТС)дан азият чекувчи шахсларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш биз учун муҳим вазифадир. Шу билан бирга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига рива этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш керак, деб ҳисоблаймиз.

XXI аср — ахборот асри сифатида майдонга чиққанлигини ҳисобга олиб, **ахборот соҳасида** миллий манфаатларимиз ва халқимиз маданияти ва маънавиятнинг ўзига хослигини сақлашни таъминлашга қаратилган миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг узок муддатли стратегиясини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш ўта муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Мазкур вазифани амалга ошириш учун қуйидаги масалалар долзарб аҳамиятга эга.

Миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этишни бугуннинг энг долзарб вазифаси, деб ҳисоблаймиз. Ривожланган миллий ахборот макони — мустаҳкам тараққиёт пойдевори эканлигини ҳисобга олиб, унинг изчиллик билан такомиллашувига эришиш лозим.

Ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилишга барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз. Бундан ташқари, ижтимоий онгда миллий ғоя шаклланиши ва ривожланиши жараёنларини ахборот жиҳатидан таъминлашни янада кучайтириш олдимизда турган долзарб вазифадир.

**Мухтарам партиядошлар!**

Яқинда олимпиадачиларимиз ва паралимпиячиларимиз эришган оламшумул ғалабалар бутун халқимиз ва миллатимизнинг гурурини осмон баробар кўтариб, фуқароларимиз қалбида ҳисиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Дарҳақиқат, **“Дунёда ҳеч бир нарса мамлакатни, миллатни спортчилик дунёга тез танитмайди, машҳур қила олмайди”** тамойили асосида спортнинг барча турлари, айниқса, Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган ҳамда миллий турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш етакчи вазифамиздир.

Бунда, энг аввало, жаҳон миқёсида ўзбек спортчилари эришаётган оламшумул ютуқларнинг халқ ва миллат гурури ўсишига хизмат қилиши, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда одамларни ягона мақсад сари бирлаштирувчи хусусиятини тизимли равишда кенг тарғиб қилиш ҳамда Ватанимиз ифтихорлари бўлган спортчилар ҳаёт йўли

ҳақида тарбиявий аҳамиятга эга ҳужжатли ва бадиий фильмлар, илмий-оммабоп асарлар яратишни янада кучайтиришимиз керак.

**“Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт қудратли бўлур”** шиори остида мамлакатимизда кенг қулоч ёйган ва умуммиллий вазифага айланган болалар спортини ривожлантириш ишига ҳар томонлама қўмаклашиш даркор.

Биз миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ва бугун дунёнинг 130 га яқин мамлакатида кураш федерациялари ташкил этилганлигини ҳисобга олиб, ўзбек курашини Олимпиа ўйинлари қаторига киритиш мақсадида халқаро Кураш федерацияси, Халқаро ва миллий Олимпия қўмитаси билан алоқани ҳар тарафлама мустаҳкамлашни бу борадаги энг асосий вазифамиз, деб биламиз. Биз ўзбек курашининг Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олиши учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этиб, бу улуғвор мақсад учун охиригача курашамиз.

Дастурнинг пировардида ташқи сиёсат борасидаги вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман. **Ташқи сиёсат соҳасида** биз Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслигини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини бугунги мураккаб шароитда, минтақада хавфсизликка ва барқарорликка таҳдидлар сақлаиб қолаётган бир вазиятда амалга оширмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, унинг маънавий-ахлоқий анъаналари ва қадриятлари, жаҳон маданиятга қўшган беқиёс ҳиссаси республиканинг замонавий халқаро муносабатларда, фаол ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда тенг ҳуқуқли субъектга айланишининг асосий ва муҳим воситаси бўлди.

Ташқи сиёсат ва давлат бошқаруvinинг бошқа органлари фаолияти доирасида миллий манфаатларнинг қатъий ҳимоя қилиниши таъминланишига эришишимиз шарт. Бизнинг шioriимиз — **миллий манфаатлар ҳар нарсадан устун**.

Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини ҳар томонлама мустаҳкамлаб боришимиз зарур.

Фуқароларимиз ва юридик шахсларнинг хорижий давлатларда ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим вазифамизга айланмоғи керак.

Инсоний тамаддунинг қадимги трансгегаравий йўналиши бўлган Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, иқтисодий, сиёсий ва маданий-инсонпарварлик соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, кучли “Буюк Ипак йўли” брендини илгари сурамиз.

**Азиз дўстлар!**

**Бизнинг асосий ғоямиз — Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимизнинг бундан буён ҳам гуллаб-яшнашига бор куч-қудратимизни бағишлаш орқали жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.**

**Биз учун ягона ва устувор мақсад, бу — Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.**

Эътиборингиз учун раҳмат.



## ДЕПУТАТЛАР 2017 ЙИЛГА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### З. АКРОМОВА, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— 2017 йилда аҳоли бандлигини таъминлашга бўлган эҳтиёжни аниқлашда янгича ёндашувлар қўлланилган. Жумладан, дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳар бир қишлоқ (махалла) бўйича демографик ҳолат бирма-бир ўрганилган ва иш жойлариغا муҳтож бўлган аҳолининг ҳақиқий сони касблар кесимида аниқланган. Натижада иш ўринлари яратиш имкони мавжуд бўлган соҳалар ҳамда тармоқларнинг ички имкониятларини максимал даражада ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аҳоли бандлигини таъминлашга оид буюртмалар шакллантирилган. Фракциямиз бундай ёндашувни аҳолининг бандлик даражасини ошириш ҳамда фуқароларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали ечимларидан бири, деб ҳисоблайди.

### У. САМАТОВ, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларга, биринчи навбатда, ёшларга, хотин-қизларга, имконияти чекланган шахсларга касб-хунарга қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш хизматлари кўрсатиш учун касб-хунарга ўқитиш марказлари имкониятларидан кенг фойдаланиш дастур ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу марказларда ишсиз фуқаролар, мавжуд бўш (вакант) иш ўринларини ҳисобга олган ҳолда, талаб юқори бўлган бир қатор йўналишларда касб-хунарга қайта ўқитиладиган ва малакаси оширилади. Шу билан бир қаторда, фракциямиз вакиллари банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш учун ҳудудий меҳнат органлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари, иш қидиришининг ихтисослаштирилган дастурлари имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш лозимлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

## ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

иктисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликнинг бош омилидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биргина жорий йилнинг тўққиз ойида “Е-ijro” идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини фаол жорий этиш асосида тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” марказлари орқали 75 мингдан зиёд давлат хизматлари кўрсатилди. Одамларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш мақсадида қўрилаган шу каби амалий чора-тадбирлар натижасида 2016 йилнинг ўтган даврида 23,6 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

Кичик бизнес вакиллари бугунги кунда ҳар соҳада илгор ва ташаббускор. Уларнинг изланишлари натижасида янги санаат маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилиб, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг эҳтиёжлари ўзимизнинг арзон ва сифатли товарлар ҳисобига таъминланмоқда.

Пойтахтимизда фаолият курсатаётган “Metal-Polymer Technologies” корхонаси шундай ишлаб чиқариш субъектлари сирасига кирилади. Бу ерда юқори кучланишли электр узатиш линиялари, темир йўл тармоқлари ва бошқа соҳалар учун полимер қопламали изоляторлар тай-

ёрланади. Эътиборлиси, корхонада ишлаб чиқариш тизими йўлга қўйилган бўлиб, ишланмадан то тайёр маҳсулотгача бўлган жараён шу ернинг ўзига бажарилади.

— Изоляторларнинг янги авлоди қопламасининг мустаҳкамлиги, фойдаланиш муддати узоклиги, ташқи таъсирларга чидамли эканлиги ва албатта, бежирим қўриниши билан ажралиб туради, — дейди корхона раҳбари Бобур Сафоев. — Қолаверса, улар турдошларига нисбатан енгиллиги боис ташвиш, монтаж қилиш ишларида қўшимча қулайликлар яратаяди. Аммо импорт ўрнини босувчи бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш осон кечмади. Бунинг учун, энг аввало, мазкур тармоқ талабларига жавоб берадиган иншоот барпо этиб, хорижийнинг энг замонавий, айна чоғда энергияни тежовчи ускуналари билан жиҳозладик. Ушбу жараёнда мутахассисларни тайёрлаш ҳам эътибордан четда қолмади. Пировадига 2014 йилда илк маҳсулотимизни чиқаришга муваффақ бўлдик.

Корхона қуввати йилга юқори кучланишли — 1 000 киловаттгача бўлган 160 мингта полимер қоп-



ламали изолятор ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Айна пайтда уларнинг олтига тури тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилапти. Бошқача айтганда, “Ўзбекистон темир йўллари” ҳамда “Ўзбек-энерго” акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорликда иш юритиб, энг йирик лойиҳалар ижросида иштирок этмоқда. Ангрен — Поп, Поп — Қўқон — Андижон, Мароқанд — Қарши, Самарқанд — Бухоро темир йўл линиялари электрлаштирилиши шулар жумласидан.

— Маҳсулотлар сифатини ошириш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида корхонамиз қошида маҳсус лаборатория фаолият кўрсатапти, — дейди Бобур Сафоев. — Бу ерда фақатгина тайёр маҳсулот-

лар синовдан ўтказилиб қолмасдан, балки ишлаб чиқарилаётган изоляторлар, бутловчи материаллар технологик жараёнларнинг ҳар бир босқичидан сўнг чуқур текширилади. Шунингдек, янги ишланмалар устида изланишлар олиб борилади. Бу эса халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган электр жиҳозлари тайёрлаш имконини берибди.

“Metal-Polymer Technologies” маҳсулотлари Маҳаллийлаштириш дастурига киритилгани боис корхонага солиқ ва божхона имтиёзлари беришмоқда. Бундан тежалган маблағ эса маҳсулот ишлаб чиқариш ва турини қўлайтириш, янги иш ўринлари яратиш каби истиқболли лойиҳалар ижросига йўналтириляпти.

Таъкидлаш керакки, юртимизда бу каби рақобатдош маҳсулот етказиб берадиган кичик бизнес субъектлари бундан кейин ҳам кўпайиб бораверади. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳиятига кўра, тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, қисқаси, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган.

Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бундай шарт-шароитлар тадбиркорларга бозор талабларига мос маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришда кенг имкониятлар эшигини очиб, уларни янги-янги марралар сари руҳлантираверади.

Самид РАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

Бахтиёр АҚРАМОВ  
олган суратлар.

### ЭЪЛОНЛАР

## «AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

**2016 йил 17 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автомототранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:**  
*Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан:*  
**1.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2013 йил 25 ноябрдаги 11-1332/5264-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 140 ААА бўлган, «ГАЗ-3102» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 14 759 334 сўм.**  
**2.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 25 январдаги 11-1505/19638-сонли ва 2016 йил 5 мартдаги 11-1602/1559-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 265 ТАА бўлган, «Nexia» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 26 168 913 сўм.**  
Тошкент вилояти хўжалик судининг 2015 йил 17 декабрдаги 11-1506/15640-сонли, 2016 йил 26 февралдаги 1632/7570-сонли, 2016 йил 5 мартдаги 1602/1262-сонли, 2016 йил 18 апрелдаги 1632/3172-сонли ижро варақаларига асосан хатланган:  
**3.** 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 879 ЛАА бўлган, «УАЗ-452Д» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 7 812 450 сўм.**  
**4.** 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 875 ЛАА бўлган, «ГАЗ-5201» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 10 465 200 сўм.**  
**5.** 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 865 ЛАА бўлган, «ГАЗ-53АЦ46» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 14 193 630 сўм.**  
**6.** 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 315 АА бўлган, «Днепр 11» русумли мотоцикл.  
**Бошланғич баҳоси — 2 308 140 сўм.**  
**7.** 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 876 ЛАА бўлган, «КаМАЗ-5410» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 23 766 210 сўм.**  
**8.** 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 873 ЛАА бўлган, «МАЗ-5335» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 20 620 170 сўм.**  
**9.** 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 871 ЛАА бўлган, «ММЗ-4502» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 24 216 570 сўм.**  
**10.** 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 870 ЛАА бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-31029» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 12 614 940 сўм.**  
**11.** 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 873 ЛАА бўлган, «ГАЗ-5335» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 13 054 770 сўм.**  
Оҳангарон тумани СИБ томонидан:  
**1.** 2013 йил 3 январдаги 11-230-2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 G 0591 бўлган, «М-412ИЭ» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 2 456 206 сўм.**  
**2.** 2016 йил 21 апрелдаги 1-129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 L 188 FA бўлган, «ВАЗ 21011» русумли автомашина.  
**Бошланғич баҳоси — 4 048 030 сўм.**

Гувоҳнома № 004593.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.  
Телефон: (0-371) 233-61-44. [www.agb.uz](http://www.agb.uz)

## Гимнастика барча учун

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Гимнастика федерацияси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида “Гимнастика барча учун” шиори остида спорт фестивали ўтказилди.

### ТАДБИР

Унда Тошкент шаҳридаги маҳсус мактаб-интернатлар ҳамда Мурувват уйлари тарбияланувчиларидан ташкил толган 12 жамоа қатнашди.

Имконияти чекланган ёшлар, хусусан, қизлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб

қилиш, уларни спортга жалб этиш мақсадида уюштирилган мазкур тадбирда иштирокчилар ижро маҳорати, рақс ва гимнастика аломатларини уйғунлаштириш қобилияти бўйича баҳоланди.

Яқунда Яшнобод туманидаги 52-имконияти чек-

ланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат тарбияланувчилари муваффақият қозонди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фестивалнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Муҳаббат  
МИРЗАЛИЕВА.

## «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри СИБ томонидан ЖИБ Хўжайли тумани судининг 2012 йил 7 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Хожели дийхан базари» МЧЖнинг 36 фойз улуши такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 1 052 247 561 сўм.**  
Аукцион савдоси 2016 йил 16 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.  
Аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).  
Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати — 2016 йил 14 ноябрь куни соат 18.00.  
Мазкур улуш билан тегишли шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204942016001, МФО: 00585, СТИР: 302129374.

Гувоҳнома № 9506.

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.  
Телефон: (0-361) 222-84-44. [www.qmm.uz](http://www.qmm.uz)

## «Universal reator» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Андижон вилояти судининг 2016 йил 8 апрелдаги 2-114/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 86-«А» уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 78,01 кв. м., турархўй майдони 50,30 кв. м. бўлган 20-хонадон қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 256 478 192 сўм.**  
Аукцион савдоси 2016 йил 2 декабрь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади.  
Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати — 2016 йил 1 декабрь куни соат 15.00.  
Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувини имзолаганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal reator» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй, «Universal reator» МЧЖ.  
Телефон: (0-371) 150-35-55.  
Электрон почта: [universal.reator@mail.ru](mailto:universal.reator@mail.ru)

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони жамоаси Девон масъул ходими Бахтиёр Усмонович Умаровга онаси

Саноат ая УМАРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## «ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15,  
236-09-25.

E-mail: [reklama@xs.uz](mailto:reklama@xs.uz)

## Халқ сўзи

## Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 70 651 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гувоҳнома № 004593.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.  
Телефон: (0-371) 233-61-44. [www.agb.uz](http://www.agb.uz)

ТАХРИРИЯТГА келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусахҳих — С. Исмолов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.59 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6